

Биринчи ва иккинчи ақаба байъати



16:04 / 02.01.2018 9034

Келаси йили ҳаж мавсумида ваъдалашилган жойга ясрибликлардан ўн икки киши келишди. Яна Ақабада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан байъат олдилар. Ўша байъатнинг иштирокчиси Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу бу ҳақда қуйидагиларни айтадилар:

«Ўн икки киши эдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга:

«Келинглр! Менга Аллоҳга бирор нарсани ширк келтирмаслигингиз, ўғрилик, зино қилмаслигингиз, болаларингизни ўлдирмаслигингиз, қўлларингиз ва оёқларингиз орасидан бўҳтон тўқиб, келтирмаслигингиз, менга маъруф ишда исён қилмаслигингиз ҳақида байъат қилинглр. Сиздан ким бунга вафо қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасида. Ким ундан бирор нарсани бузиб, бу дунёда жазосини олса, ўша унинг учун каффоротдир. Ким ундан бирор нарсани бузса-ю, Аллоҳ уни сатр қилса, унинг иши Аллоҳга ҳаволадир. Хоҳласа, иқоб қилади, хоҳласа, афв қилади», дедилар».

Мазкур мусулмонлар ўз юртларига қайтаётганларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуни қўшиб, у кишига одамларга Қуръон ўқитиш, Исломдан таълим бериш ва

дин аҳкомларини ўргатишни топширдилар.

Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ва ясриблик мусулмонлар аҳолини Исломга даъват қилишда жонбозлик кўрсатдилар. Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу Пайғамбар алайҳиссаломнинг тавсиялари бўйича иш олиб борар эдилар. У киши одамларга Қуръон ўқитиш, Исломдан таълим бериш ва дин аҳкомларини ўргатишни ажойиб услуб билан йўлга қўяр эдилар. Гоҳида баъзи одамлар у кишининг олдига ўлдирмоқчи бўлиб, қурол кўтариб кирар эди. Аммо Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг ширин муомаласи, қироати ва Ислом ҳақидаги сўзларидан кейин кўнгли эриб, мусулмон бўлиб, у киши нима топшириқ берса, ўшани сўзсиз бажарадиган бўлиб чиқар эди.

Ислом Ясриб бўйлаб мисли кўрилмаган тезликда тарқалиб борар эди. У ердаги бош қабилалар – Авс ва Хазражнинг кўплаб одамлари, жумладан, Саъд ибн Муъоз ва Усайд ибн Хузайр каби ўз қавмининг улуғлари бўлган кишилар ҳам Исломга кирдилар. Бану Ашҳалнинг ҳаммаси битта ҳам қолмай мусулмон бўлдилар. Хуллас, Ясрибда Ислом кирмаган оила қолмади.

Яна ҳаж мавсуми қайтиб келди. Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу бошлиқ ясриблик мусулмонлар ҳеч кимга билдирмай, ўз қавмларининг мушрикларига қўшилиб, ҳажга келдилар. Одамлар билан бирга ҳаж қилдилар. Арафотдан кейин шайтонга тош отиш вақти келганда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Ақабада учрашишга келишдилар. Учрашув кечаси бўлганда ҳаммалари ўз қавмлари ила ухлагани ётдилар. Кечанинг учдан бири ўтгандан кейин битта-битта бўлиб, ҳеч кимга билдирмасдан, учрашув жойига кела бошладилар.

Тўпланиб бўлгач, қарасалар, етмиш уч эркак ва икки аёл – Нусайба бинту Каъб ва Асмо бинту Амр ибн Адий эканлар.

Ҳаммалари тўпланиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кутдилар. Бир вақт у зотнинг келаётганларини пайқадилар. Ёнларида бир киши ҳам бор эди. Яқин келганларида у киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос эканлиги маълум бўлди.

Орада сўзлашув бўлиб ўтди. Мусулмонлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан нимани талаб қилсалар, ўша нарсага тайёр эканликларини билдирдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан ораларидан ўн иккита нақиб сайлашни сўрадилар. Улар ўн икки кишини танладилар. У зот нақибларга:

«Худди Ийсо ибн Марямнинг ҳаворийлари кафил бўлгандек, сизлар ҳам ўз қавмингизга кафилсизлар. Мен ўз қавмимга кафилман», дедилар.

Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Қуръон тиловат қилиб бердилар, Аллоҳга даъват, Исломга тарғиб қилдилар ва:

«Аёлларингиз ва болаларингизни нимадан ҳимоя қиладиган бўлсангиз, ўшандан мени ҳам ҳимоя қилишингиз шарти ила сизларнинг байъатингизни қабул қиламан», дедилар.

Биринчи бўлиб Баро ибн Маърур Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларини олиб, байъат қилди. Кейин ҳамма бирма-бир байъат қилиб чиқди. Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга:

«Энди жойларингизга бораверинглар», дедилар.

Эртасига бўлиб ўтган ишдан Макка кофирлари хабардор бўлиб қолдилар. Ясрибликлар турган жойга бориб, суриштира бошладилар. Ясриб мушриклари «Биз бундай иш қилганимиз йўқ», деб қасам ичиб, туриб олдилар. Мусулмонлар ҳеч нарсани билмагандек туравердилар.

Ҳожилар жўнаб кетганларидан кейин мушриклар ишнинг тафсилотини билдилар. Улар ясриблик мусулмонларни ортларидан қувиб бордилар. Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳуни тутиб ҳам олдилар. У кишини калтаклаб, Маккага олиб келдилар. Аммо Саъд розияллоҳу анҳунинг иттифоқдошлари у кишини мушриклар қўлидан ажратиб олдилар.

Бу ишдан жаҳли чиққан кофирлар мусулмонларга нисбатан адоватни яна ҳам авж олдирдилар. Улар мусулмонларга аввалгидан ҳам қаттиқроқ азоб бера бошладилар.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)

